

**БОБОРАҲИМ МАШРАБНИНГ “ МАБДАИ НУР” АСАРИДАГИ ТАСАВВУФИЙ  
ТУШУНЧАЛАР**

**Бадридинова Н.С**

Бухоро шаҳар 42-мактаб ўқитувчиси, БМТИ тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий маънавиятимизнинг бетақроп қисми булган буюк мутафаккир шоир ва адибларнинг фалсафий-сиёсий меросини урганиш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. “Бу уринда гап аввало, мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетақроп маданияти ва миллий кадриятларини тенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва сиёсий ютуқларини урганиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда”

**Калит сузлар:** мутафаккир, шоир ва адиб, бой тарих, маданияти ва миллий кадриятлар, сиёсий ютуқлар

**Annotation:** Scientific research is being conducted in our country to study the philosophical and political heritage of great thinkers, poets and writers, who were a unique part of our national spirituality during the years of independence. "Here, first of all, we are talking about equally promoting the rich history of our country, its unique culture and national talents, creating the necessary environment and conditions for studying world science and political achievements"

**Key words:** great thinkers, poets and writer, the rich history, culture and national talents, political achievements

**Аннотация:** В нашей стране проводятся научные исследования по изучению философского и политического наследия великих мыслителей, поэтов и писателей, которые в годы независимости составляли уникальную часть нашей национальной духовности. «Здесь, прежде всего, речь идет о равной пропаганде богатой истории нашей страны, ее уникальной культуры и национальных талантов, создании необходимой среды и условий для изучения мировой науки и политических достижений»

**Ключевые слова:** великих мыслителей, поэтов и писателей, богатой истории, культуры и национальных талантов, политических достижений

Жаҳон сиёсатшунослик манбаларида мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб сиёсий мероси, алломанинг “Мабдаи нур”, “Кимё” тасаввуфий, фалсафий-сиёсий асарларини, мутафаккир шоирнинг ижтимоий-фалсафий газалларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида, хусусан, куйидаги илмий натижалар олинган: Бобораҳим Машраб ҳаёти, сиёсий қарашлари ақс этган маълумотлар умумлаштирилган, жаҳон фондларида, асосан Европа мамлакатларида мавжуд кўлёзма ватосҳосма нусхалари асосида шоир шеърӣ мероси, “Мабдаи нур”нинг мавжуд вариантлари яратилган. Ўзбекистон фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жаҳон сиёсатшунослигида “ Мабдаи нур”, “Кимё” ва мутафаккирнинг газал, муҳаммас, мусаддас, мусамманлари асосида бир қаторизланишлар ва тадқиқотлар вужудга келмоқда. Мутафаккирнинг ғийриқ фалсафий-сиёсий асари “Мабдаи нур”даги ижтимоий-фалсафий, тасаввуфий-сиёсий шеърларининг яратилиш тарихини истилоҳга киритиш, мавжуд мероснинг илмий-танқидий матнларини тузиш, асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва мумтоз тарихий-фалсафий, бадиий-сиёсий манбаларининг илмий-танқидий матнини батафсил йўналишлар асосида яратиш.

Дунё тамаддунининг глобаллашган ижтимоий-сиёсий жихатларини, мутафаккир ижодининг ёритилмаган қирраларини ёритишда бир қатор илмий изланиш ва тадқиқотлар яратилаётганлигини инобатга инобатга олсак, шоир ижодиорқали мавжуд тараккиётга қўшган ҳиссасини, шоир меросида гуманистик гоъларни, миллий ва умуминсоний кадриятларни тарғиб-ташвиқ қилиниши техноген шароитда ўрганиш муҳимлигини ва долзарб аҳамият қасб этишини зарурати.

Бугунги кунда жaxon адабиётшунослигида БоборахимМашраб хаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш бўйича катор,жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олибборилмоқда: 1900 йил Парижда шарқшуносларнинг биринчи халқаро конгрессида Goltsier томонидан “Islam in Persien”номли маърузасида Машрабга муносабат билдирилган. Немис олими Martin Hartman “Devoni Mashrab” ва “König Mashrab”асарлари асосида “Ein weiser Derwisch und heiliger Atheist”(1902 йил), “Ein Schritt” (1903 йил) мақолаларини ёзган.Ditrel den Ren “Wissenschaftsreise nach Großasien”, турк олими С.Улудог томонидан “Тасаввуф терминлари луғати” каби илмий изланишлар олиб борилган. ГП.Снесаров, А. D. Schmidt каби олимлар шоир хаёти ва ижодини ўрганишга ўз хиссаларини қўшганлар“. 1993 йил Машраб юбилеи муносабати билан\_олимларнинг тадқиқот ишларида Машраб ижодиёти, хаёти, фаолияти масалалари ўрганилди.

Мутафаккир шоир Боборахим Машрабнинг турли жанрардаги шеърлятида улуг авлиёлар, салаф-устоз мутасаввифлар хақида хабарлар берилган. Бири-биридан мазмунли фалсафий, сиёсий фикрлар илгари сурилган.

Хусусан, Бахоуддин Накшбанд ва Абдулхолик Гиждувоний,Ахмад Яссавий ва Махдуми Аъзам, Хожа Ахрор ва Хидоятуллох Офокхожа, Увайс Караний ва Хасан Басрий, Робиа Адавиява Нажмиддин Кубро, Иброхим Адхам ва Саид Имомиддин Насимий, Ғавсул Аъзам -Абдулкодир Гилоний ва Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий ва шайх Шиблий, Мансур Халлож ваСўфи Оллоёр шунингдек бошқа мутасаввифларни Машраб шеърлий меросида юксак хурмат ва эҳтиром билан тилга олган.Машраб шеърлятида тилга олган мутасаввифлар ўз даври, жамиятининг сиёсий фаолиятида иштирок этганлар.

Накшбандийлик-тасаввуф тарикатларидан бири. Тарикатга Накшбанд асос солган. Накшбандийлик таълимотининг асосида“Кўнгил Худода бўлсин-у, кўл иш билан банд бўлсин” (“Дилба ёру, даст ба кор”) шиори ётади. Унга кўра, дилни Аллохбилан боғлаган холда, касбу хунар ва кўл меҳнатини асло таркэтмаслик керак. Факирона яшаш, хайр-эхсон хисобига эмас,ўз меҳнати хисобига хаёт кечириш лозим. Бу ғоя Накшбанд томонидан ишланган тарикат асосланадиган ўн бир коидада ҳам ўз ифодасини топган. Турон замин тасаввуфида зикр тушишининг икки усули амалда бўлган. Бири-зикри лисоний, иккинчиси-зикри хуфия. Накшбандийликда зикри хуфия амалда бўлиб, бунга зикр тушаётган солиқ сўзларни тил билан талаффуз қилмайди, овоз чиқармайди, сўзлар факат дилда айтилган.

Накшбандийлик ўзидан олдинги таълимотларда бевосита хаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Накшбандийлик тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган каттик коидаларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Бу эса накшбандийликнинг кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Накшбандийлик ЎртаОсиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий хаётида муҳим ўрин эгаллади. ЮсуфХамадоний, Абдулхолик Гиждувоний накшбандийлик тарикати ривожига хисса қўшдилар. XV асрда Хожа Ахрор бу тарикатнинг энг йирик сиёсий раҳнамози бўлиб майдонгачикди. Темурийлар даврида машхур шахслар накшбандийликпирларига мурид бўлган эди. Жомий, Навоий, Бобур, Машрабкаби шоирлар накшбандийлик тарикатида эдилар. Улар ўзасарларида накшбандийлик таълимотини тарғиб этдилар.Накшбандийлик Ўрта Осиёдан ташқари, Кичик Осиё, Кавказ,Курдистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Хиндистон, Туркия вахатто АКШда кенг тарқалди. Айрим мусулмон мамлакатларидахозир ҳам бу тарикат катта мавкега эга.461 Машраб талқиниданакшбандийлик таълимоти шундай изоҳланган:

Ул Балогардони олам, ҳам писархони Расул,  
Кимки ихлос бирлан борди, максуди бўлди хасул,  
Ё Бахоуддин, мани чиркинни қилгайсан қабул,  
Даргоҳи ахли саховатдин гадо кетмас малул,  
Тўтиё деб остонингдин ғубор истар кўнгул.

Хожа Саййид Мир Кулол эрмиш Бахоуддинга пир,  
Сухбатидин зинда бўлди неча минг сохибзамир,  
Хомийи шаҳри Бухоро-Хожа бу Хафси Кабир,  
Порадўзу хазрати имлову кабри неча мир,  
Барчасин тавоф айлаюб, ашқин нисор истар кўнгул.

Бахоуддин Накшбанд шахсияти ва унинг бой маънавий меросини ўрганиш мустақилликдан сўнг эътиборга молик Масала сифатида кўрилади. Ўзбекистонда 1993 йилда аллома таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди,

Баъзи бир гайри илмий фикрларни илгари сурувчи “олимлар”нинг асосиз давосича, Машрабнинг “Мабдаи нур” асари бошқа муаллиф асари деб, талқин этилди. Профессор Абдурауф Фитрат тадқиқотларида “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари Боборахим Машраб каламига мансуб деб кўрсатилган.

“Илмий фикр” журналининг 1930 йил, 1-сонидан Фитрат Боборахим Машрабнинг хаёти ва ижоди хақида кенг маълумот берувчи мақола билан чиқади. Муаллиф унда шарқшунос В.А. Вяткиннинг 1923 йилда ёзган “Фаргоналик мистик девонаи Машраб” мақоласига тухталиб, унга жавоб килади, профессор Вяткин, дейди у, “Мабдаи нур” китобининг маълум манбадаги Машрабники эканлигига шубҳа килади... “Мабдаи нур”нинг бошқа бир Машрабники бўлмок эҳтимолини таъкидлаш килади.

Фитрат “Боборахим Машраб томонидан ёзилган, деган фикрини асослаш учун ўз далилларини Румийнинг “Маснавий”си таъсирида, тасаввуфий руҳда шеърини йўл билан ёзилган асар эканлигини кайд этади. Фитрат мақоласида “Мабдаи нур”нинг куйидаги тавсифи берилди: “Жалолиддин Румийнинг маънавийсидан баъзи байтлар олинган. Харбайтнинг форсча матнидан кейин айни вазнда ўзбекча манзум шарҳ бошланади. Шарҳда Жалолиддин Румийнинг сўфиёна назмлари изох этилади. Ондан кейин сўзнинг боришига муносиб бир-икки хикоя берилди... Хикоядан кейин шулўринга муносиб ўзбекча газал келади. Фазалларнинг охиригисидан “Машраб”, “сўзлари баравар юради”.

Илмий доирада “маълум манбадаги Машрабники” эканлигига иштибоҳ билдирувчи фикрлар мавжуд. Иштибоҳ боиси, Машраб тўғрисидаги кассада ёки бошқа манбада бухусуда бирор маълумот берилмаганлиги, “Мабдаи нур” даги газаллардан биронтасининг ҳам кассага ва баёзларга киритилмаганлиги, Машраб номидан китобга ёзилган сўз боши билан асосий матн ёзуви бошқа-бошқа эканлиги, Боборахим Машраб шеърларида Мансур Халлож, Иброҳим Адхамларномлари кайта-кайта тилга олингани холда, Жалолиддин Румийноми ва маснавийси эсланмаслиги каби холлардадир 597.

“Мабдаи нур”нинг кўлёмалари Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида кенг тарқалган.

Шарқшунослик илмий хазинасида унинг 28 та нусхаси мавжуд. Булар асосан XIX асрда турли хатотлар томонидан, турли жойларда кучирилган кўлёмалар бўлиб, энг аввалгиси юкорида эслатганимиз 3692 рақамли 1236/1820 йили Эргам Девонаи Кеший кўчирган нусхадир. Энг охиригиси 1904 йили Абдулфаттоҳ ибн Мулло Абдулжалил Жўйборий кўчирган 4949 рақамли нусхадир. Кўлёмалардан 9 таси илмий тавсиф килинган. Колганлари хали илмий тавсиф килинмаган. Тавсиф килинган кўлёмалар “Мабдаи нур”нинг тўла нусхалари бўлиб, иккитаси охирида (3985/VI рақамли кўлёмма, тавсиф No 1556 Ва 7873/ I рақамли кўлёмма, тавсиф No 1561) “Кимё” асари киритилган. Колган кўлёмаларининг айримлари чала, охири йук.

“Мабдаи нур”нинг Ўзбекистон ва кўшни давлатларда сақланаётган кўлёмаларининг тўла тавсифи ва танқидий матнини тайёрлаш узок меҳнат талаб киладиган машаққатли ишдир. “Девонаи Машраб” китобининг рус тилига килинган таржимасила Н.С. Ликошин шундай ёзади: Бундан ташқаримен В.П. Наливкиннинг маслаҳати билан Машраб каламига мансуб

“Маблаи нур” асари билан танишдим. Бу бир канчаибратли ахлокий хикояларни ўз ичига олган. Девонаи Машрабтаржимаи холига оид маълумотлар тўплаб беришни илтимос қилиб, танишим Наманган Чуст шаҳри қозиси домулло Масъуд Мағзум, домулло Муҳаммад Мурод қози қалонга мурожаат қилдим. У ўгли шайхулислом Нодим билан Машраб ҳақида мени қизиқтирган маълумотларни юборди.

Шарқшунос В.А.Вяткин Машраб халқ орасида машхуртасаввуфий-ахлокий асар ёзганлигини айтиб, лекин мақоласи охирида “Мабдаи нур” Бобораҳим Машраб қаламига мансублигига шубҳа билдириб: “Бу асарнинг ҳам фарғоналик домулло Бозор охунднинг шогирди ва Шох Машраб таҳаллусибилан юрса ҳам, совук ахлокий тушунчалар, тасаввуфнинг қурук тавсиф ва ибратларидан иборат бўлган бу тўпламнинг бизнинг қиссамиз (яъни “Девонаи Машраб”) билан умумийликжойи йўқ” деб ёзади. Бу асоссиз ҳулоса, чунки мулло Бозорохунднинг Машраб номли бошқа шогирди ёки муриди бўлмаган. Абдурауф Фитрат “Машраб” мақоласида В.А.Вяткин фикрини бутунлай асоссиз деб топган.

Тули манбадаги шеърларнинг тили билан бир эканлиги, маориф комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассал “Девонаи Машраб” китобида тўрт-беш парча маснавий борлиги, унинг услуби “Мабдаи нур” услубининг айни эканлигини ва ниҳоят, Офокхожа муридлари орасида фақат битта Машраб бўлганини таъкидлаб, икки Машрабнинг бир одам эканига ҳеч қимми шубҳаси қолмас керак” деб ҳулоса чиқаради. “Мабдаи нур”да Офокхожа номи зикр қилинган байт қуйидагича:

Етушти Машраб ўшал қони Мабдаи нурга,

Валии Хожа Офок шохни хурматидандур.

“Мабдаи нур” Машрабнинг асаридир. Бу китоб Машрабнинг пири Хидоятулла Офокхожанинг топшириги билан ёзилгандир. Китобни ёзишга қиришишдан аввал Машраб Жалолиддин Румий ва Аҳмад Яссавий жанобларининг руҳоний руҳсатларини оладилар. “Мабдаи нур” Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”ларидан тазмин қилинган байтларнинг туркий ўзбектилидаги шарҳларидир.

“Кимё” “Мабдаи нур”дан кейин ёзилган бўлиб, у ҳам Бобо-рахим Машрабнинг китобларидир. “Кимё” “Мабдаи нур”нинг мантикий давомидир. Фақат асарнинг тузилиши(композицияси)ва вазни ўзгача. “Мабдаи нур”да дастлаб “Маснавий”дан бирбайт келтирилиб, шарҳ берилса ва шарҳни шарҳлаш учун бирёки бир нечта хикоятлар берилиб, охирида ғазал, мустазод ёки мухаммас келтириш билан шарҳ яқунланса, “Кимё”да бу тузилма мутлақо бошқача бир тартибда давом эттирилган. Бу асар таркибида 22 та кимё бўлиб ҳар бир кимё алоҳида-алоҳида бўлимлардан иборатдир. Ҳар бир кимёучун бир, икки ёки ундан кўпроқ хикоят келтирилади. Кимёларнинг аксариятида аввал бирмавзу берилган, сўнг шу мавзу хикоятлар орқали шарҳланиб, ўз ечимини топа борган. “Мабдаи нур”да ҳар бир турқумдан сўнг ғазал, мустазод ёки мухаммаслар бериб борилса, “Кимё”да улар мутлақо келтирилмайди. Гарчанд бу икки асар йирик маснавий жанрида ёзилган бўлса-да, улар лисоний жихатдан ҳам, бадиий мазмун ва бадиий воситаларнинг қўлланилиши жихатидан ҳам Машрабнинг лирик жапрлардаги шеърларида қўллаган услуб ва воситаларга ҳар жихатдан мос ва ҳосдирлар“.

Илмий фаолияти бевосита Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан боғлиқ бўлган ва унинг асарини ҳам маълум даражада тадқиқ этган олимларимиздан А.Хайитметов, А.Абдугафуров, М.Зокиров, В.Абдуллаев, З.Ризаев, Ш.Зуннунов, Р.Воҳидовларнинг илмий ишлари орқали машрабшунослигимиз шаклланди ва ривожланди. Шарқшунос Исматуллох Абдуллох “Мабдаи нур”нинг Машрабга тегишли асар эканлигини исботлади, Мўмин Хошимхонов эса ўзининг беш жилдлик илмий ишида Машраб газалиёти, “Мабдаи нур”, “Кимё” асарлари ва янги топилаётган шеърларини адабий-бадиий, ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этишга ўз хиссасини қўшди. Шунингдек, шоир адабий меросини ўрганишда машрабшунос ва

адабиётшунос Жалолиддин Юсуфийнинг хизмати бениҳоят каттадир. Адабиётшунос мустакиллик йилларида тиним билмай Бобораҳим Машрабижодини ўрганиб тадқиқотлар олиб борди. Шу инсон хизмати орқали шоирнинг мукамал “Девон”и вужудга келди. Бугун соҳа вакиллари, жумладан, шоир ва адабиётшунос Мирзо Кенжабек зикри ўтган “Девон”ни қайта таҳрир қилиб нашр қилингани яна бир қувончли ҳолдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Машраб, Девон. Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи Жалолиддин Юсуфий. Тошкент . “Янги аср авлоди” 2006. 6-бет
2. Соҳибназар Каримов. Тасаввуф фалсафаси. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2021. – 200 бет
3. Комилов Н. Тасаввуф. «МОВАРОУННАХР\*» нашриёти, 2009. 380 б.
4. Раҳматова Ф.Қ. Бобораҳим Машраб ва тасаввуф тариқатлари Academic Research in Educational Sciences VOLUME 3 | ISSUE 1 | 2022, 760 б.
4. Иброҳим Ҳаққул. Машраб нафаси. [www.kh-dayron.uz](http://www.kh-dayron.uz)
5. Ҳошимхонов Мумин. Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-сиёсий карашлари (XVII-XVIII асрлар) // “Тафаккур” нашриёти, 2024
6. Ҳошимхонов Мумин. Машраби муътабар узим// “Тафаккур” нашриёти, 2021